

ТИЛ НАЗАРИЯСИ

СИНХРОН ВА ДИАХРОН ТИЛШУНОСЛИК

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ВА ХАЛҚ ТИЛИ



Султон Эрматович НОРМАМАТОВ

докторант
филология фанлари номзоди
Гулистон давлат университети

Аннотация

Мақолада ўзбек жадид адабиётининг йирик намояндаси Абдулла Қодирийнинг луғатшунослик фаолияти ҳамда тилнинг луғат таркиби, диалектология соҳасидаги қарашлари ҳақида фикрлар билдирилган. Шунингдек, у ҳаммуаллифлик қилган луғатдаги умумхалқ тилига оид лексик бирликлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: миллий тил; адабий тил; умумхалқ тили; диалектология; унут сўзлар; грамматик шакл; сўз қўллаш; услубият; халқ лаҳжаси.

АБДУЛЛА КОДИРИ И НАРОДНЫЙ ЯЗЫК

Султон Эрматович НОРМАМАТОВ

докторант
кандидат филологических наук
Гулистанский государственный университет

Аннотация

В статье исследуется мнение крупного деятеля узбекской джадидистской литературы Абдуллы Кадыри о диалектологии, лексическом составе узбекского языка, а также его лексикографическая деятельность. Проанализированы общезыковые лексические единицы, входящие в состав словаря писателя.

Ключевые слова: национальный язык; литературный язык; общенародный язык; диалектология; забытые слова; грамматическая форма; словоупотребление; стилистика.

ABDULLA KODIRI AND THE VERNACULAR

Sulton Ermamatovich NORMAMATOV

Doctoral Student
Candidate of Philology
Gulistan State University

Abstract

The article deals with ideas about conception of sphere of dialectology, dictionary component of language and lexicographical activity of Abdulla Kodiry who is a great figure of

Uzbek jadid literature. The author analyzes the common language lexical units that are part of the dictionary of the writer.

Keywords: national language; literary language; dialectology; forgotten words; grammatical form; word use; style.

Ўзбек жаид адабиётининг йирик намояндаси, ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг ижодий мероси, асарларининг бадиий ўзига хослиги, тил хусусиятлари бўйича ўзбек тилшунослиги, адабиётшунослиги илмида муайян тадқиқотлар амалга оширилган ва бу тадқиқотларда Абдулла Қодирий феномени, у яратган асарларнинг бадиий, илмий қиммати муносиб баҳоланган (1; 2; 3; 4; 5). Бироқ шундай бўлса-да, ўзбек замонавий насрининг дарғаси ҳисобланган Абдулла Қодирийнинг шахсияти, бадиий, илмий ижодий олами ҳақида ҳали айтилиши лозим бўлган фикрлар кўп.

Биз бу ўринда Қодирийнинг луғатшунослик фаолияти ҳақида тўхталиб, адиб ҳаммуаллифлигида 1934 йили нашр этилган “Русча-ўзбекча тўла сўзлик” (Тошкент–Қозон, 1934) (6) номли таржима луғатининг айрим лексикографик хусусиятлари, яъни сўзликда берилган умумхалқ тили унсурлари ҳақида фикр юритишни лозим топдик.

Абдулла Қодирий ҳаммуаллиф сифатида луғатнинг “П” ҳарфини ишлаб, русча 10503 та сўзнинг ўзбекча муқобилини келтиради.

Адиб сўзликнинг “П” ҳарфини тузишдан олдин туркий луғатчилик, араб, форс-тожик луғатчилиги, усмонли турк тили луғатчилиги ва шунинг баробарида, рус луғатчилиги билан ҳам мукамал танишиб чиққан. Аниқроқ қилиб айтганда, луғатчиликнинг назарий ва амалий масалаларини чуқур ўзлаштирган ва пухта эгаллаган. Луғат ўша давр талаби нуқтаи назаридан “Русча-ўзбекча тўла сўзлик” номи остида ишланган бўлса-да, русча сўзларнинг таржимасида мумкин қадар уларнинг соф туркийча ва халқ тилидаги муқобилларини бериш масаласи адибнинг диққат марказида турганлигига гувоҳи бўламиз, масалан: *перемёрзлый – тонган, музлаб қолгон* (2, 81); *пересудчик – гийбатчи, сўзчин* (2, 104); *петрушка – кашнич, қоғурсоқ* (2, 123); *паненка – ойимқиз, бикач, қақажон* (2, 13); *паг – дара, участка, кент* (2, 1); *пельмени – чучвара, барак* (2, 45); *панел – салматахта* (2, 13); *пемза – ёнғиртош* (2, 45); *простыня – чойшаб, рўжа* (2, 453) каби. Таржималардаги *тонган, сўзчин, қоғурсоқ, бикач, қақажон, кент, барак, салматахта, ёнғиртош, рўжа* каби сўзларнинг келтирилиши муаллифнинг халқ тилибилимдони бўлганлигини кўрсатади. Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, айрим русча сўзларнинг ўзбекча муқобили келтирилишида ўша сўзнинг адабий тилдаги вариантлари қаторида халқ шеваларидаги

вариантлари ҳам келтирилган: *papa – ота, дода (17-бет); папаша – дадажон, ада (17-бет); патат – ширин картишка (36-бет); перекумиться – қуда, қудагайлашмоқ, қудайимлашмоқ (76-бет); поднос – баркаш, хон, лаъли (200-бет); подушка – ёстиқ, болиш, таця (218-бет); последование – эргашув, иярилги, тақлид қилиш (301-бет); прошлогодний – бултурги, ўткан йилги, бурнаги йилги (468-бет); пук, пучок – боғ, даста, боғлам, тутам, култа (477-бет)*. Мисоллардаги *дода, ада, картишка, қудагай, баркаш, лаъли, болиш, таця, иярилги, бурнаги йилги, култа* каби сўзлар халқ шеваларининг нодир бойликларидир. Муаллифнинг бундай йўл тутишига сабаб нима, деган саволнинг туғилиши табиий. Ўзбек тили лексикаси, ҳатто XX аср бошларидаги ҳолатнинг ўзини олиб қараганда ҳам, таркиб жиҳатдан бир хил эмас. Унда ўша даврда айрим муаллифлар томонидан ишлатилган, лекин ҳали ўзбек адабий тилига кириб улгурмаган, шунингдек, шеваларга оид сўзлар ҳам анчагина. Абдулла Қодирий муаллиф сифатида кенг ўқувчилар оммасининг манфаатини ўйлаб, яъни таржимадаги русча сўзнинг ўзбек тилидаги барча учун тушунарли муқобилини келтиришни мақсад қилиб имкон қадар сўзларнинг адабий тилдаги варианты билан бирга халқ шеваларидаги вариантларини ҳам келтириб ўтади. Бу эса, биринчидан, ўша даврда жамиятдаги турли ижтимоий қатлам вакиллари орасида рус тилини кенг микёсда тарғиб ва ташвиқ қилишнинг самарали усули бўлса, иккинчидан, улуғ адибнинг ўзбек тилидаги мавжуд сўз бойлигини тўплаш ва тавсифлаш, унут сўзларни қайта тиклашга бўлган ҳаракатиифодасидир. Бу фикримизни Абдулла Қодирийнинг шогирдларидан Малик Раҳмоннинг “Тўғрисўз устоз” номли хотира мақоласида келтирилган адибнинг қуйидаги қайдлари ҳам тасдиқласа, ажаб эмас:

“...Турли касб эгалари, хунармандчилик, косибчилик намояндаларининг сўз бойликларини тўплаш учун жумхуриятнинг турли районларига вакиллар юбориб, касб эгаларининг сўз бойлигини фурсат ғаниматлигида тўплаб олиш керак. Вақт ўтиши билан ҳар нарса унутилади. Шу билан бирга, бу ишда тилнинг ўзига хос томонларини сақлаб боришга ҳам риоя қилиш лозим” (7).

Бу фикр Абдулла Қодирийнинг 1930 йили Ўзбекистон фанлар кўмитасининг тил-имло, атамалар, луғат тузувчилар бўлимида бош маслаҳатчи бўлиб ишлаган пайти айтган фикридир. Эътибор қаратсак, адибтининг сўз бойлиги тез ўзгариб туриши мумкинлигини, тараққиёт жараёнида кўпгина сўзлар истеъмолдан чиқиб кетиши, эскириши ва улар ўрнига янги сўзлар кириб келиши мумкинлигини, шу тариқа тилнинг луғат

таркиби динамикаси ўзгариши мумкинлигини таъкидламоқда. Шунинг билан бирга, тилнинг луғат таркиби билан иш тутишда ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши зарурлиги энг муҳим ва жиддий назарий масала эканлигини алоҳида уқтирмоқда.

Муаллиф луғатни тузишда юқорида ўзи таъкидлаган “ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятлари”дан келиб чиққан ҳолда, имкон қадар русча сўзларнинг халқона вариантларини беришга интилади. Таржимада русча сўзларнинг фақатгина ўша давр адабий тилидаги шаклини келтириш билан чекланиш ҳам мумкин эди. Бироқ халқ яратган тилнинг жозибадорлиги, таъсирчанлиги, сеҳри ва бутун борлиги жонли халқ тилида бутунича мужассам бўлишини чуқур англаган адиб жонли халқ тилидаги адабий тилдан фарқ қилувчи айрим сўз ёки грамматик шаклларни ҳам келтирадики, бу ҳолат XX аср бошларида қайта ишланаётган янги ўзбек адабий тили лексик фондини бойитишга хизмат қилган, дейиш мумкин. Яна мисолларга мурожаат қилайлик: *палез* – *қишлоқ*, *ёвон* (7-бет); *пара* – *эш*, *жуфт* (19-бет); *перевзнуть* – *қайтадан йиғанламоқ*, *нўқталамоқ* (57-бет); *перегрызание* – *огачилов*, *кемирув* (62-бет); *пила* – *арра*, *ёрғи* (128-бет); *планзихтер* – *галвир*, *сытқи* (140-бет); *плата* – *тўлов*, *ҳақ*, *музд* (142-бет); *плетушка* – *саватча*, *гижик* (147-бет); *повинность* – *мажбурият*, *бегар* (164-бет); *подпруга* – *қайши*, *айил*, *пуштан* (206-бет); *перелой* – *сўзак*, *чўкмазак* (78-бет); *повод* – *жилов*, *тизгин*, *тавла* (165-бет); *полюсы* – *қутблар тунёқ* (*шимол*), *кунёқ* (*жануб*) *қутблар* (261-бет); *пористый* – *тешикли*, *галвирак* (291-бет); *портянка* – *пайтава*, *чолгов*, *оёққа ўралатургон бўз* (295-бет); *посох* – *таёқ*, *асо*, *ҳасса*, *суюл*, *гаврон* (303-бет); *примечание* – *эслатма*, *эскартма* (374-бет); *пролом* – *синиқ*, *мертик*, *шикаст* (432-бет); *просватывать* – *нишонламоқ*, *қизни унашмоқ*, *одланмоқ* (445-бет); *прихвостень* – *ялтоқ*, *қуйруқсилкар*, *лаганбардор* (397-бет); *прыш* – *сизловуч*, *ҳуснбузар* (470-бет); *прут* – *чивиқ*, *хипчин*, *ширпи* (469-бет); *просяник* – *қора тариқ*, *қуноқ* (454-бет).

Муаллифнинг юқоридаги русча сўзлар таржимасида *ёвон*, *эш*, *нўқталамоқ*, *огачилов*, *ёрғи*, *сытқи*, *музд*, *гижик*, *бегар*, *пуштан*, *сўзак*, *чўкмазак*, *тавла*, *тунёқ*, *кунёқ*, *галвирак*, *чолгов*, *суюл*, *гаврон*, *эскартма*, *мертик*, *одланмоқ*, *қуйруқсилкар*, *сизловуч*, *ширпи*, *қуноқ* каби сўзларни келтириши ҳар бир сўзнинг халқ орасидаги, муайян ижтимоий табақа, катталар ва болалар нуткида қўлланишидаги маъно қирраларини ҳам кўрсата олганлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, ўзбек тили туркий тиллар ичида энг кўп шевали тил бўлганлиги учун бу тилнинг жуда кўп назарий ва амалий масалаларини ҳал этиш лаҳжа ва шева материалларини ўрганиш, таҳлил этиш масалалари билан алоқадордир. Адибнинг луғатда жонли халқ тилидаги бундай сўзларга жиддий эътиборидан кўзлаган асосий мақсадларидан бири сифатида ўша даврда унутилиб бораётган жонли халқ тили унсурларини тарихий ёдгорлик сифатида тўплаш ва асраш, уларни қайта “тирилтириб”, янги ўзбек адабий тилида қўлланиш доирасини кенгайтириш ва шу аснода адабий тилни жонли халқ тилига яқинлаштириш вазифаси бўлганлигини кўрсатиш мумкин. Чунки шеваларда тилимизнинг миллий хусусиятлари тўла ва айнан сақланиб қолганлиги табиий ҳол. Бу эса улуғ адибнинг миллий тилга, хусусан, халқ тилига бўлган чексиз муҳаббатининг ёрқин ифодасидир.

Умуман олганда, Абдулла Қодирий луғат тузишда, энг аввало, она тили – ўзбек тилининг ички имкониятларидан фойдаланишга ҳаракат қилган. Русча сўзлар таржимасида учрайдиган ўзбекча сўзлар кўпроқ халқ ҳаёти, кишиларнинг кундалик турмушида учрайдиган тушунча ва тасаввурларни ифода этади ва улар умумхалқ учун тушунарлидир. Бу ҳол луғат тилининг жамиятдаги турли ижтимоий қатлам вакиллари қаторида оддий халқ учун ҳам тушунарли бўлишини таъминлаган.

Абдулла Қодирий ҳаммуаллифлик қилган “Русча-ўзбекча тўла сўзлик”даги халқ тили унсурларини кузатиш луғат XX аср бошларидаги ўзбек луғатчилигининг етакчи хусусиятларини ўзида ифодалаганлиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради. Бу хусусиятлардан энг муҳими – луғат тилини соддалаштириш, халқчил, халққа яқин бўлишига интилишдир. Ушбу ишга Абдулла Қодирий “Русча-ўзбекча тўла сўзлик”даги русча сўзлар таржимасини халққа тушунарли қилиб ифодалаш орқали муносиб ҳисса қўшган.

Дарҳақиқат, Абдулла Қодирий тилни, унинг катта-кичик ҳар бир унсурини бениҳоя теран идрок қилган, ҳар бир унсурнинг табиати, зоҳирий ва ботиний ифода имкониятларини аниқ тасаввур этган ва бу имкониятлар хазинасини ўз асарларига сингдирган адибдир. Шунинг учун бўлса керак, Абдулла Қодирий асарлари нафақат миллий адабиётимизнинг, балки миллий тилимизнинг ҳам ўзига хос нодир бойликларини ўзида мужассам этган, ўзбек халқини маънавий юксаклик сари етаклайдиган нодир хазина сифатида халқимизнинг ардоғида бўлиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қўшжонов М. Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати. – Тошкент: Фан, 1968. – 220 б.
2. Қўчқортоев И. Абдулла Қодирий асарларининг тили ҳақида/“Ўзбек тили ва стилистикаси”. – Тошкент, 1972.
3. Норматов У. Қодирий боғи. – Тошкент, 1995.
4. Абдулла Қодирийнинг бадиий дунёси (адабий-илмий мақолалар тўплами). – Тошкент: ЎзМУ, 1994.
5. Қодирова Х. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмдан фойдаланиш маҳорати. Номз. дисс.– Тошкент, 2012.
6. “Русча-ўзбекча тўла сўзлик”. II-жилд, II-Я ҳарфлари. – Тошкент-Қозон: “Ўздавнашр”, 1934.
7. Малик Раҳмон. Тўғрисўз устоз//“Қодирийни қўмсаб.” Ёднома, –Тошкент, 1994. –Б.51.